

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида)

2021 йил декабрь ойининг 10-куни жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди, Марғилон шаҳар “Иқбол” маҳалла фуқаролар биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи М.Марахимов, Ё.Эргашевнинг суд мажлиси котиблигида, тарафлардан Марғилон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси А.Мамаджанов, жабрланувчи У.Набиев, гумон қилинувчи Э.Акрамов, унинг ҳимоячиси Ҳ.Абдурахмоновнинг иштирокида,

Акрамов Элдор Махмудович (Akramov Eldor Makhmudovich), 1986 йил 11 октябрда Фарғона вилояти, Фарғона туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, бир нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ёлланма ишчи, Фарғона вилояти, Фарғона тумани, «Юқори» маҳалла фуқаролар йиғини, Шодлик кўчаси, 35-уйда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25,169-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-1513-2101/606-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Гумон қилинувчи Э.Акрамов 2021 йил 9 октябрь куни Марғилон шаҳар, Келажак кўчасида турган «Lada Vesta» русумли давлат белгиси 01184 ZGA бўлган автомашинани балонларига қотирилган тўрт дона жами нархи 150.000 сўмлик “калпак”ларни яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинмоқчи бўлган вақтида ушланган.

Судда гумон қилинувчи Э.Акрамов ва жабрланувчи У.Набиевлар ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Гумон қилинувчи Э.Акрамов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, 2021 йил 9 октябрь куни Марғилон шаҳрига олма сотиш мақсадида келиб, ошхонага кириб овқатланиб, спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст бўлиб қолиб, Марғилон шаҳар, Келажак кўчасида кетаётиб, кўчада турган кейинчалик билгани У.Набиевга тегишли «Lada Vesta» русумли давлат белгиси 01184 ZGA бўлган автомашинани балонларига қотирилган тўрт дона жами нархи 150.000 сўмлик “калпак”ларни яширин равишда талон-торож қилиб кетаётганида, шу ерда яшовчи Ф.Ҳакимов томонидан ушлангани, ҳозирда айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор экани, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.



Жабрланувчи У.Набиев суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, 2021 йил 9 октябрь куни Марғилон шаҳар Келажак кўчаси 91-уй яшаш хонадонида оила аъзолари билан ўтирган вақтида, қўшниси Ф.Хакимов чақириб, уни синглисига тегишли бўлган автомашина «калпак»ларини кейинчалик суриштирув давомида билгани Э.Акрамов ўғирлаб олиб кетаётганида ушлаб олганини билгани, ҳолат юзасидан онаси М.Камолова ИИБга мурожаат қилгани, ҳозирда етказилган зарар қоплангани, аризани ўз ҳоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, Жиноят кодексининг 25,169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчи У.Набиев ва гумон қилинувчи Э.Акрамовнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Марғилон шаҳар прокурори катта ёрдамчиси А.Мамаджанов ва ҳимоячи Ҳ.Абдурахмоновнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумон қилинувчи Э.Акрамовнинг айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув жабрланувчи ва гумон қилинувчиларнинг ҳоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25,169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят Жиноят кодекси 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, Э.Акрамовга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топди.

Шунингдек, суд, жабрланувчи У.Набиевга Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисми, 585–586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Акрамов Элдор Махмудович (Akramov Eldor Makhmudovich)ни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25,169-моддаси 1-қисми билан айблаш ҳақидаги жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖК 84-моддаси 4-қисмига асосан унинг айблилик масаласи ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Гумон қилинувчи Э.Акрамов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 66¹-моддасига асосан жинойий жавобгарликдан озод қилинсин.



Ажрим устидан йигирма сутка ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

М.Марахимов

Ҳужжат имзоланган: Марахимов Музаффаржон Мирзарахмонович, 30.12.2021

